

Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга
кўмаклашиш тўғрисида.

ШАРТНОМА

(Талаба, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда тузилади)

№ _____

« ____ » _____ 2019 й

Самарқанд давлат тиббиёт институти

(олий таълим муассасасининг номи)

(Кейинги ўринларда «Олий таълим муассасаси» деб номланади) номидан муассаса
Уставига асосланиб иш юритувчи ректор бир томондан

Шамсиев Азамат Мухиддинович

(Ф.И.Ш)

номидаги

(ташкилот номи)

корхона Уставига асосланиб иш кўрувчи _____

(ташкилот раҳбари, Ф.И.Ш)

иккинчи томондан, (кейинги ўринларда «потенциал иш берувчи» деб номланади) ва олий таълим
муассасаси _____ мутахассислиги бўйича 2019/2020 йилда
битирувчи _____ да

(манзили)

яшовчи _____ (кейинги ўринларда

(талабанинг Ф.И.Ш.)

«Битирувчи» деб номланади) учинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги 199- сонли қарорининг 6-бандига асосан ёш
мутахассисларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ушбу шартномани қуйидагилар
ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ.

1.1. Олий таълимга эга бўлган ёш, мутахассис (бакалавр, магистр)ларнинг интеллектуал
салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

II. ТОМОНЛАРNING ҲУҚУҚЛАРИ.

2.1. Олий таълим муассасаси:

2.1.1. Ноёб таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича эҳтиёж кўп бўлган
тақдирда «Потенциал иш берувчи»ларни тендер асосида танлаш.

2.1.2. Талаба ўқув амалиётини ўташи учун «Потенциал иш берувчи»нинг
интеллектуал ва моддий-техникавий базасининг имкониятларини ўрганиш ва шу асосда
тегишли таклиф киритиш.

2.2. «Потенциал иш берувчи»:

2.2.1. «Олий таълим муассасаси» ўқув режа ва дастурлари билан танишиш ҳамда уларни
ишлаб чиқариш талабларига мувофиқлаштириш юзасидан ўз таклифларини бериш.

2.2.2. «Битирувчи»нинг Давлат имтиҳонларида аттестация комиссияси аъзоси сифатида
қатнашиш.

2.3. «Битирувчи»:

2.3.1. Ўқиш фаолияти даврида белгиланган амалиётларни «Потенциал иш берувчи»
корхонасида ўтиши.

2.3.2. Таълим муассасасини битиргандан сўнг эга бўлган мутахассислиги доирасида иш
билан таъминлашни талаб қилиш.

III. ТОМОНЛАРNING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Олий таълим муассасаси:

3.1.1. «Битирувчи»ни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис этиб тайёрлаш.

3.1.2. «Потенциал иш берувчи»га «Битирувчи» тўғрисида тегишли тавсияномалар бериш ҳамда «Битирувчи»нинг корхонадаги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш.

3.1.3. «Битирувчи» ишга жойлашгандан кейин 3 йил давомида унга зарур услубий ёрдам кўрсатиш.

3.1.4. Шунингдек, томонларнинг розилигига асосан қуйидаги шартларни бажариш мажбуриятини ҳам олади:

- а) -----
- б) -----
- в) -----

3.2. «Потенциал иш берувчи»:

3.2.1. «Битирувчи»ни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарти Таснифлагичи (Классификатори)га мувофиқ иш билан таъминлаш.

3.2.2. «Битирувчи» га меҳнат фаолияти давомида услубий ёрдамлар кўрсатиш.

3.2.3. Қуйидаги ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар кўрсатиш:

- а) -----
- б) -----
- в) -----

3.3. «Битирувчи»:

3.3.1. Ўз мутахассислиги бўйича малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари талаблари асосида мустақил фаолият олиб бориш учун мустақил билим ва малакага эга бўлиш.

3.3.2. «Потенциал иш берувчи»нинг корхонасида камида 3 йил ўз мутахассислиги бўйича ишлаб бериш.

IV.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Томонларнинг бири ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди.

V.ТОМОНЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

5.1.1. «Битирувчи»нинг малакаси, билими ушбу мутахассис учун амалда ўрнатилган Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаса.

5.1.2. «Потенциал иш берувчи» иш берувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда.

5.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ: ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Олий таълим муассасаси»:	«Потенциал иш берувчи»:	«Битирувчи»:
Самарқанд тиббиёт институти (номи)	(номи)	(Ф.И.Ш.)
Манзил: Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси 18 уй Тел.:233-07-66 233-71-75 Х/р:400910860184017950100054001 МФО:00283 ИНН:2010077011	Манзил:	Манзили:
Имзо, мухр:_____А.М.Шамсиев	Тел.:_____ Факс:_____ Код:_____ Х/р:_____ ИНН:_____	Тел.:_____ Паспорт серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилган:_____
Сана:_____	Имзо, мухр:_____ Сана:_____	Имзо_____ Сана:_____